

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШДА РАЎБАР КАДРЛАРНИНГ РОЛИ

Жабборова Ойша Искандаровна
биология фанлари номзоди, доцент,
“Тиббий биология” кафедраси мудири
Бухоро давлат тиббиёт институти,
Ўзбекистон

Аннотация. Мақолада педагогик жараёнга нисбатан қўлланиладиган “инновация”нинг роли тадқиқ қилинган. “Инновацион жараён” тушунчасининг мазмун моҳияти очиб берилган. Ҳозирги кунда таълим тизимида инновацион технологияларни қўллашнинг таълим сифати ва самарадорлигини оширишдаги аҳамиятига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар. Инновация, инновацион жараёнлар, технология, таълим тизими, замонавий таълим, янгилик концепцияси.

Маълумки, педагогик жараёнга нисбатан қўлланиладиган “инновация”нинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, унда таълим ва тарбиянинг мақсадлари, таркиби, услублари ва шаклига янгиликларни жорий қилиш, ўқитувчи ва талабанинг ўзаро фаолиятини шакллантириш ўз аксини топган бўлади. “Инновацион жараён” деганда, янгиликларни яратиш, ўзлаштириш, қўллаш ва тарқатишга қаратилган фаолиятлар мажмуаси тушунилади. Мазкур жараён қуйидаги босқичларни ўз ичига қамраб олади:

1. Янги ғоя туғилиши ёки янгилик концепциясини пайдо қилиш босқичи. Ушбу босқични кашфиёт босқичи деб ҳам аташ мумкин.
2. Янгилик яратиш босқичи. Бу босқични ихтиро қилиш деб ҳам аташ мумкин.
3. Яратилган янгиликни амалда қўллай билиш босқичи.
4. Янгиликни ёйиш, уни кенг тадбиқ этиш босқичи.
5. Муайян соҳада янгиликнинг ҳукмронлик қилиш босқичи. Бу босқичда янгилик ўзининг янгилигини йўқотади, унинг самара берадиган муқобили пайдо бўлади.

6. Янги муқобиллик асосида алмаштириш орқали янгиликнинг қўлланиш доирасининг қисқартириш босқичи.

Шундай экан, ҳар бир профессор-ўқитувчи, аввало, юксак фалсафий тафакур маданиятига эга бўлиб, инновацион технологияларни яхши билиши зарур.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда таълим тизимида инновацион технологияларни қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кун сайин кучайиб бормоқда. Бундай ҳолатнинг қатор сабаблари бор. Бундан олдин таълим мақсадлари талаба ёшларни фақат тайёр билимларни ўзлаштириб олишга қаратилган бўлса, ҳозирги замонавий технологиялар уларни нафақат эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Инновацион технологиялар педагогик жараёнда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгартиришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда интерфаол методлардан фойдаланишни тақозо этади.

Бугунги кунда профессор-ўқитувчининг сифати ва савиясининг ўлчов мезони улардаги теран фалсафий, педагогик билимлар асосида шаклланган инновацион технологияларга нисбатан ишонч эътиқод бўлмоғи даркор. Бу ишонч ва эътиқод эса, ҳозирги шароитда, профессор-ўқитувчиларнинг миллий тараққиёт талабларини рўёбга чиқаришда қай даражада ўзларини бағишлагани билан ўлчанади [3]. Уларнинг сифати ва савиясини билдирувчи қолган барча мезонлар иккинчи ва ундан кейинги масала ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда мамлакатимиз миллий ва маънавий-маърифий тараққиётининг муваффақиятларини белгилаб берувчи, шунингдек бу туб вазифаларнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи инновацион педагогик технологияларни амалиётга татбиқ этишдан иборат.

Инновацион технологияларни қўллашда раҳбар ходимларнинг фаолияти кўпроқ аҳамият касб этади. Бундай раҳбарнинг мавқе-мартабаси, етакчилик салоҳияти қанчалик юқори бўлса, кафедра профессор-ўқитувчиларига шу қадар кўп ва кучли таъсир кўрсата олади.

Раҳбар ўзининг инновацион фаолиятини амалга ошириши лозим. Инновацион фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади: янгиликни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш; келгусидаги ҳаракатларнинг мақсади ва концепциясини шакллантириш; ушбу режани амалга ошириш ва таҳрир қилиш; самарадорликка баҳо беришни қамраб олади.

Инновацион фаолиятнинг самарадорлиги раҳбар шахсияти билан белгиланади.

Раҳбар ўқитувчини инновацион фаолиятга тайёрлай олиши керак. Бу фаолият икки йўналишда амалга оширилади: янгиликни идрок қилишга инновацион тайёргарликни шакллантириш; янгича ҳаракат қила олишга ўргатиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак” номли асарида шундай таъкидлайди: “Яна бир муаммони ҳал этиш ўта муҳим ҳисобланади: бу педагоглар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг профессионал даражаси, уларнинг махсус билимларидир. Бу борада таълим олиш, маънавий маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий кадриятларини шакллантириш жараёнларига фаол кўмак берадиган муҳитни яратиш зарур” [1].

Ҳозирги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, таълимнинг янги педагогик технологиялари ва ўқитиш услубларини жорий этишнинг халқаро амалиётга мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш, ўқув режалари ва фан дастурларини такомиллаштириш, ўқитишнинг замонавий шакллари ва ахборот-коммуникация технология воситаларини жорий этган ҳолда, ўқув жараёнини сифат жиҳатидан янгилашда раҳбар ходимнинг ташаббуси ва шижоати асосий ўрин эгаллайди. Дарс жараёнида инновацион технологияларни қўллаш талабаларда илмий изланишга қизиқишни уйғотади, ижодкорлик ва бунёдкорлик қобилиятини ривожлантиради. Натижада эгалланган билим, кўникма ва малакалар амалий фаолиятда татбиқ этилади, ўзлаштириш сифати ошади.

Олий таълим тизимида инновацион технологиялар жуда катта роль ўйнайди. Бунинг асосий мазмуни турли педагогик янгиликларни яратиш, қабул қилиш, баҳолаш, ўзлаштириш ва амалда татбиқ этиш жараёнини бошқаришдан иборат. Бу бошқарув фаолиятида раҳбар ўз ўрнига эга.

Кафедра ходимлари раҳбарнинг фикр-қарашларига таяниб, ижтимоий муносабатлар мазмунини, умумманфаат ва мақсадларни тушунади, уларнинг амалий фаолиятини кузатиб, жамият тараққиёти қонуниятлари ва давлат сиёсати ҳақида хулосалар қилади.

Олий таълим муассасаларида яратилган шароит ва имкониятлар энг сўнгги инновация намуналарини жорий этиш учун мослаштирилгани профессор – ўқитувчи ва талаба ёшларнинг ижодий фаоллигини кучайтириш учун хизмат қилиши лозим.

Маълумки, педагогик инновация фаолиятининг субъекти ўқитувчи ва унинг шахсий имконияти ҳисобланади. Бунда ўқитувчи шахсининг ижтимоий-маданий, интеллектуал ва ахлоқий имкониятлари юксак аҳамиятга эга бўлади. Ушбу шахсий имкониятларни аниқлаш, ривожлантириш, умуман олганда, ўқитувчи фаолиятидаги креативлик раҳбар томонидан доимий назорат қилиб борилиши ҳамда рағбатлантирилиши керак.

Ўқитувчи ва талаба ўртасида юз берадиган мулоқот намунасининг ўзгариши инновацион фаолият шартларидан бири ҳисобланади. Ушбу мулоқот салбий ҳолатлар, қистовлар, ҳукмга бўйсунмиш каби унсурлардан ҳоли бўлиши лозим. Улар томонларнинг ҳамкорлиги, ўзаро бошқарилиши, ўзаро ёрдам шаклида қурилган бўлиши даркор. Раҳбар мазкур инновацион фаолият шартларидан хабардор бўлиши, салбий унсурлар намоён бўладиган бўлса, дарҳол уни олдини олишга, бартараф этишга эришмоғи даркор. Айтиш жоизки, ҳар бир раҳбар биринчи навбатда, профессор-ўқитувчининг инновацион фаолиятидаги асосий функциялар, яъни касбий фаолиятининг онгли таҳлили, меъёрларга нисбатан танқидий ёндашув, касбий янгиликларга нисбатан тайёргарлик, дунёга ижодий яратувчилик муносабатида бўлиш, ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ўз турмуш тарзи ва интилишларини касбий

фаолиятда мужассам қилиш каби фаолиятларини тўлиқ назорат қила олиши, хабардор бўлиши лозим [2].

Бугунги кунда таълим соҳасидаги ислохотлар нафақат замонавий технологияларни бошқарув жараёнига жорий этиш, балки раҳбар кадрлар фаолият самарадорлигини оширишга ҳам йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Бошқарувни самарали ташкил этишда, таълим-тарбия жараёнини замон талаблари асосида амалга оширишда раҳбар кадрлар ўрни ва роли беқиёсдир.

Инновацион технологияларни жорий этиш, амалга оширишда бошқарув кадрлари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: масъулият; компетентлик; ишонч.

Шу билан бирга улар қобилиятли, инсофли ва диёнатли бўлиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, ўрни келганда қаттиққўллик ҳам талаб этилади. Акс ҳолда, белгиланган мақсадларга эришиш мушкул бўлади.

Раҳбар янгиликка интилувчи, кучли етакчи бўлиши лозим. Ташаббус бўлган жойда, янгиликлар яратилади, соғлом муҳит бунёд бўлади.

Раҳбар биринчи навбатда, таълим соҳасида инновацион технологияларни қўллаш борасида ўз малакасини мунтазам ошириб бориши, фикрлар хилма-хиллигини инкор этмаслиги ва ўз фаолиятида хурфикрликдан оқилона фойдаланиши, ўзгаларнинг фикрини тинглаши ва ҳурмат қилиши, ўз манфаатини ходимлар манфаати билан уйғун кўриши лозим.

Ҳозирги кун талабларидан келиб чиқиб, хулоса қилиб айтиш мумкинки, таълим соҳасидаги ислохотларнинг пировард натижасини таъминлаш, хусусан инновацион технологияларни қўллаш орқали кенг дунёқарашга эга бўлган, мустақил фикрлайдиган талаба ёшларни тарбиялашда раҳбарларда халқ олдида, ота-оналар олдида жавобгар эканлиги ҳиссини сингдириш лозим.

Адабиётлар

1.Ш.М.Мирзиёев “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак” Т.:2017, 45-бет

2.Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. – Т., 2007. – Б.3

3. Задумкин К.А. Региональная инновационная система: теория и практика формирования/ К.А. Задумкин, И.А. Кандаков; под. рук., проф. В.А. Ильина-Вологда: Вологодский научно – координационный центр ЦЭМИ РАН, 2008 г. с 45.